

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ, ИЖТИМОЙ, ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Абдунабиев Мухриддин Асадулла ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси магистранти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11530334>

Аннотация. Мазкур тадқиқот ишида давлат харидлари соҳасидаги коррупция жиноятлар, уларнинг ижтимоий, ҳуқуқий табиати, Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари соҳасидаги жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормалари, ўрганилаётган муаммога доир илмий ишлар ва олимлар қарашлари ўзаро таҳлил қилинади. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик, уни асосий белгилари, давлат харидлари соҳасидаги коррупциявий жиноятларнинг асосий белгилари ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, мазкур соҳа бўйича олимларнинг назарий қарашлари ва амалиётдаги мавжуд бўшлиқ ҳамда камчиликлар бўйича келтирилади. Давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг белгилари тавсифланиб, шу соҳадаги коррупциявий жиноятлардан ўзаро фарқли жиҳати баён қилинган.

Калим сўзлар: коррупцияга оид жиноятлар, манфаатлар тўқнашуви, коррупция, аукцион, танлов, тендер, электрон дўкон ва ягона етказиб берувчи билан тузиладиган шартнома.

A CRIME COMMITTED IN THE FIELD OF PUBLIC PROCUREMENT, ITS SOCIAL AND LEGAL NATURE

Abstract. This research work examines corruption crimes in the field of public procurement, their socio-legal nature, the norms of criminal law of the Republic of Uzbekistan that determine liability in the field of public procurement, as well as scientific works and views of scientists on the problem under study are mutually analyzed. The legislation on public procurement and the main signs of corruption crimes in the field of public procurement are considered. In addition, the theoretical views of scientists in this field and the existing gaps and shortcomings in practice are presented. The signs of violations in the field of public procurement are described, and their differences from corruption crimes in this area are also described.

Key words: corruption crimes, conflict of interest, corruption, auction, competition, tender, online store and single supplier agreement.

ПРЕСТУПЛЕНИЕ, СОВЕРШЕННОЕ В СФЕРЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК, ЕГО СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВАЯ ПРИРОДА

Аннотация. В данной исследовательской работе рассмотрены коррупционные преступления в сфере государственных закупок, их социально-правовая природа, нормы

уголовного права Республики Узбекистан, определяющие ответственность в сфере государственных закупок, а также научные труды и взгляды ученых на изучаемая проблема взаимно анализируются. Рассмотрено законодательство о государственных закупках, основные признаки коррупционных преступлений в сфере государственных закупок. Кроме того, представлены теоретические взгляды ученых в этой области и существующие пробелы и недостатки на практике. Описаны признаки нарушений в сфере государственных закупок, а также описаны их отличия от коррупционных преступлений в этой сфере.

Ключевые слова: коррупционные преступления, конфликт интересов, коррупция, аукцион, конкуренция, тендер, интернет-магазин и договор единого поставщика.

Давлат харидлари соҳасидаги коррупциявий жиноятлар тушунчаси ҳақида миллий қонунчилик ҳужжатларида аниқ бир таъриф мавжуд эмас. Олимлар томонидан давлат харидлари соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг коррупциявий хусусиятлари тўғрисидаги илмий ишлар мавжуд, холос.

Давлат харидлари соҳасидаги коррупция жинояти тушунчасини ёритишда “коррупция”, “коррупциявий жиноят”, “давлат харидлари соҳасидаги жиноят” ва “давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид жиноят” атамаларини таҳлил қилиш лозим.

“Шахсий манфаатлар йўлида ишониб топширилган ваколатларни суистеъмол қилиш сифатида”, - дея **Transparency International** халқаро ташкилоти коррупцияни таърифлаган¹.

Коррупция - бу жамиятларга коррозив таъсир кўрсатадиган маккор вабо бўлиб, у демократия ва қонун устуворлигига путур етказди, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, бозор иқтисодиётини бузади, яшаш шароитини пасайтиради ва уюшган жиноятчилик, терроризм ва инсон ҳавфсизлигига бошқа таҳдидларнинг ривожланишига имкон беради².

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида коррупцияни ўз манфаатлари ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, шахснинг ўз мансаб ва хизмат мавқеидан моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши сифатида ифодаланган³.

¹ <https://www.transparency.org/en/what-is-corruption>

² https://www.unodc.org/documents/brussels/UN_Convention_Against_Corruption.pdf

³ <https://lex.uz/docs/3088008>

Дарҳақиқат, коррупция жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларига таъсир ўтказадиган ва барқарор тизимларнинг емирилишига етаклайдиган жамият “вируси” сифатида баҳолаш мумкин.

Давлат харидлари соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 61¹, 193¹ ва 193²-моддалари⁴да ҳамда Жиноят Кодексининг 167-моддаси 2-қисми “г” банди, 168-моддаси 3-қисми “в” банди, 192⁹, 192¹⁰, 205, 209-214, 243-моддаларидаги жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида белгиланган жиноятлар киради⁵.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат халқ манфаатларини кўзлаб фаолият юритиши ҳамда ҳамда жамият учун маъсул эканлиги белгиланган. Давлат бош ислохотчи эканлиги, унинг барқарор фаолият юритиши учун ўз эҳтиёжларини таъминлаши лозим. Шу билан биргаликда, давлат эҳтиёжларини таъминлаш давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган давлат харидлари орқали амалга оширилади.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли 22.04.2021-йилдаги Қонунида давлат харидлари тушунчаси келтирилган. Унда давлат харидлари давлат буюртмачилари товарларга (ишлар, хизматлар) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни сифатида баҳоланган. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 3-моддасида бюджет тизимида унинг маблағларини товарлар (ишлар, хизматлар) хариди учун ишлатилиши давлат харидлари сифатида тавсифланган. Давлат харидлари тўғрисидаги шартнома эса бир тарафдан давлат буюртмачиси иккинчи томонидан давлат харидлари ижроси ўртасида давлат харидлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги тузилган келишув саналади⁶.

Давлат харидлари билан боғлиқ қонун ҳужжатлари даврларга бўлинган бўлиб, 1991–2018 йиллар 1-босқични ташкил этса; 2-босқич: 2018–2021 йилларни қамраб олади⁷. Охириги босқичга қадар давлат харидларига оид муносабатлар фақат 30 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинган, холос. Амалдаги Қонуннинг қабул қилиниши БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг модел қонунчилигининг асосий қоидалари, Европа

⁴ O‘zbekiston Respublikasining Ma‘muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksi. “Adolat”. T.: 2021-yil.

⁵ O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi. “Adolat” T.: 2021-yil

⁶ <https://lex.uz/docs/5382974>

⁷ X.Сафаров. Давлат харидлари — очик ва шаффоф савдо. <https://huquq.uz/2022/01/07/hq-204/>

Иттифоқи, АҚШ, Россия, Беларус, Қозоғистон ва бир қатор давлатларнинг қонунчилигидаги хорижий тажрибалар асосида қабул қилинган⁸.

Давлат харидларининг беш тури бўлиб, аукцион, танлов, тендер, электрон дўкон ва ягона етказиб берувчи билан тузиладиган шартнома саналади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июл кундаги ПҚ-5171-сон қарори бўйича бир қатор янгиликлар киритилган бўлиб, 2022 йилнинг 1 январидан давлат харидларининг барча турлари электрон шаклда олиб борилиши белгиланди. Шунингдек, ЎРҚ-666 сонли Қонуни бўйича давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тартиб-қоидаларини бузиш МЖТКнинг 175⁸-моддаси билан жавобгарлик белгиланди⁹. Ушбу модда юзасидан қуйидаги қилмишлар:

– давлат харидлари режаларини, шу жумладан режа-жадвалларини шакллантириш ва жойлаштириш тартиби бўйича қонунчилик талабларига риоя этмаслик;

– давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда давлат харидларини амалга ошириш чоғида махсус ахборот порталига давлат харидлари бўйича эълонлар жойлаштириш тартибини, мажбурий муҳокама ўқазмиш тартиби ва муддатларини ҳамда давлат хариди натижаларини жойлаштириш муддатларини бузиш;

– давлат харидлари тўғрисидаги эълонларга ва харид ҳужжатларига қонунчиликда тақиқланган ҳамда рақобатни чекловчи ахборотни, ҳаволалар ва талабларни киритиш, харид ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда буюртмаларни шакллантириш тартибларини бузиш;

– товарларни, ишларни ва хизматларни етказиб берувчиларни тендер ўтказиш йўли билан аниқлаш талабларини бузиш;

– давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ товарларни етказиб берувчини, иш бажарувчини ва хизмат кўрсатувчини рақобатли харид усули воситасида аниқлаш белгиланган ҳолларда, давлат харидларини ягона етказиб берувчидан ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– давлат харидлари жараёнидаги аффилиланганлик ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда хабар бермаслик;

– давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилмаган ҳолларда, давлат харидлари бўйича таклифларни қабул қилмаслик ёки таклифларни тақдим этиш муддатларини давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид равишда

⁸ <https://lex.uz/docs/5382974>

⁹ Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14.01.2021 йилдаги ЎРҚ-666-сон

қисқартириш, шунингдек таклифлар солинган конвертларни очиш ва харид хужжатларига мувофиқ таклифларни баҳолаш талабларини бузиш¹⁰, кабилар киради.

Кўриб чиқиладиган ҳодисанинг ижтимоий ва ҳуқуқий табиатининг барча кўп қирралиги билан унинг моҳияти давлат манфаатларини таъминлаш механизми орқали намоён бўладиган давлатчилик институти билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун, ушбу муассасанинг ўзига хос хусусиятлари доирасида кўриб чиқиладиган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигининг чуқур табиати кейинги параграфларда очиб берилди.

Коррупция тушунчасидан ташқари, коррупцияга оид жиноятлар ҳақида бир қатор фикрлар тарқалди. Коррупция жиноятлари коррупция тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, у хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш, шу жумладан пора олиш, пора бериш, пора олишда воситачилик қилиш, фирибгарлик, ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш, бюджет маблағларидан суиистеъмол қилиш, давлат харидлари қоидаларини бузиш ва ноқонуний фойда олишга қаратилган бошқа ноқонуний ҳаракатлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларда ўзини намоён қилиши мумкин. Коррупция кўплаб мамлакатларда жиддий муаммо бўлиб, у мамлакатнинг фуқаролик жамияти тизимига киришга тўсқинлик қилади, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади ва иқтисодий ва ижтимоий ўсишни чеклайди.

“Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар” ва “давлат харидлари соҳасидаги коррупциявий жиноятлар” ҳақида аниқ бир тушунча қонун ҳужжатларидаям, Олий суд Пленум қарорларидаям келтирилмаган. Сабаби, ушбу жиноятлар бўйича моддалар аниқ категорияси шакллантирилмаган.

Бироқ олимлар томонидан мазкур терминлар билан боғлиқ бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, А.Л.Карабанов ва С.К.Мелник ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг криминализация қилиш заруратини ҳамда ушбу соҳа бўйича модда диспозициясига давлат учун фойда бўлмаган шартномани мансабдор шахс томонидан олдиндан билган ҳолда тузиши ва оқибатда кўп миқдордаги зарарга олиб келиш ҳақида назарда тутган¹¹. М.Й.Евраев ушбу қилмишларни исботлаш қийинлигини, унинг шакллари сифатида мансаб ваколатларидан четга чиқиш, фирибгарлик, пора бериш каби жиноятларни келтиради¹². Шунингдек, Б.Бобожонов давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар деб, давлат харидларини амалга ошириш жараёнида ишониб топширилган

¹⁰ Бобожонов.Б.П Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик (жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар) Фалсафа доктори (PhD) илмий дар. олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2022.

¹¹ Карабанов А.Л., Мелькин С.К. Современные проблемы противодействия коррупции: уголовно-правовой и криминологический аспекты. М., 2010. С. 156.

¹² Ведомости. 2010. № 125(2643). 9 июля.

ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, битимни нооқилона ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда давлат манфаатларига хилоф равишда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш орқали тузиладиган битимлар ва шундай битимларни амалга оширишда ифодаланадиган ижтимоий хавфли қилмишларга айтилиши белгиланган¹³. Аслини олганда буни давлат харидлари соҳасида коррупцион жиноятлар сифатида тавсифлаш ҳам мумкин.

Шу ўринда, *давлат харидлари соҳасида коррупциявий жиноятлар* - давлат харидларини амалга ошириш жараёнида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан ёхуд ўз хизмат вазифаларини бажармай, олдинда била туриб, давлат манфаатларига хилоф равишда нооқилона битимлар тузиш ёки бунда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиб, ишониб топширилган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишда ифодаланадиган ижтимоий хавфли қилмишлар назарда тутиш мумкин.

Рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, жумладан рақобатни бартараф этиш бўйича мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (ЖКнинг 205-моддаси) давлат харидлари соҳасидаги коррупция жиноятларни ташкил этиши мумкин. Давлат харидлари соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар давлат иқтисодиётининг беқарорлиги келтириб чиқаради. Бу билан бирга, ушбу соҳада содир этиладиган жиноятлар коррупция характерлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу давлат бошқарувининг емирилишини келтириб чиқариши мумкин.

Давлат харидлари соҳасида содир этилган аксарият жиноят коррупцияга мойил бўлиб улгурган¹⁴. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йили 2 февралда ПҚ-2752-қарори билан тасдиқланган 2017–2018 йилларга мўжалланган коррупцияга қарши кураш бўйича Давлат дастурида ҳам давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш чоралари ишлаб чиқиш назарда тутилган¹⁵. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январ 2022 йилда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонининг 84-мақсадида “коррупцияга мойил

¹³ Бобожонов.Б.П Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик (жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар) Фалсафа доктори (PhD) илмий дар. олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2022.

¹⁴ Дараган В.В. Преступность в сфере государственных закупок и ее взаимосвязь с коррупционной преступностью // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. 2015. № 3 (31). С. 63.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда, 27-сон, 608-модда, 37-сон, 982-модда.

соҳа ва тармоқларни аниқлаш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш ва коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш” – деган мақсади қўйилган¹⁶. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 июл 2021 йили ПФ-6257-сонли Фармони билан “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022-йилларга мўлажалланган Давлат дастури”ининг II-бўлими “Давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга” қаратилган 7 та банддан иборат вазифалар белгиланиб, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш (19-банд), давлат харидлари соҳасида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш (20-б.), соҳанинг махсус ахборот порталида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ хавфни олдини олиш тизимини такомиллаштириш (24-б.), қонунчиликка қариндош-уруғчилик ва бошқа суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган нормаларни киритиш (25-б.) каби вазифалар белгиланган. Шу каби вазифалар давлат бюджетини асраш, иқтисодий барқарорликка қаратилган чоралардир. Давлат харидлари соҳасида коррупцион жиноятлар тендер ўтказмаслик, ҳужжатларни сохталаштириш, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, белгиланган тартибдаги товар-маҳсулотни вақтида ва баҳосига мос бўлмаган ҳолда олиб келиш каби бир қатор шаклларда кўриниш беради. Буларнинг барчаси жамиятнинг турмуш тарзи, халқнинг давлатга ишончи сўнишига, давлатнинг бошқарув тизими емирилишига, унинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини путур етишига, қонун ҳужжатлари ишлашини таъминламаслик оқибатида “ўлик нормалар” шаклланишига олиб келади.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasining Ma‘muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksi. “Adolat” T.: 2021-yil.
2. O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi. “Adolat” T.: 2021-yil
3. X.Сафаров. Давлат харидлари — очик ва шаффоф савдо.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14.01.2021 йилдаги ЎРҚ-666-сон
5. Бобожонов.Б.П Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик (жиной-хуқуқий ва кримнологик жиҳатлар) Фалсафа доктори (PhD) илмий дар. олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2022.

¹⁶ <https://lex.uz/docs/5841063#5844066>

6. Карабанов А.Л., Мелькин С.К. Современные проблемы противодействия коррупции: уголовно-правовой и криминологический аспекты. М., 2010. С. 156.
7. Ведомости. 2010. № 125(2643). 9 июля.
8. Бобожонов.Б.П Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик (жинойй-хуқуқий ва криминологик жиҳатлар) Фалсафа доктори (PhD) илмий дар. олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2022.
9. Дараган В.В. Преступность в сфере государственных закупок и ее взаимосвязь с коррупционной преступностью // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. 2015. № 3 (31). С. 63.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда, 27-сон, 608-модда, 37-сон, 982-модда.
11. <https://huquq.uz/2022/01/07/hq-204/>
12. <https://lex.uz/docs/5382974>
13. <https://lex.uz/docs/5382974>
14. <https://www.transparency.org/en/what-is-corruption>
15. https://www.unodc.org/documents/brussels/UN_Convention_Against_Corruption.pdf
16. <https://lex.uz/docs/3088008>
17. <https://lex.uz/docs/5841063#5844066>